

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Раисининг биринчи ўринбосари М.М.Мирзаевнинг 2022 йил июнъ¹
бажарилган ишлари**

**Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш
ва қўшимча манбаларни жалб этиш**

2022 йилнинг июнъ учун белгиланган **12,3 трлн.сўм** прогноз кўрсаткичи **12,8 трлн.сўмга** (104,0%) бажарилиб, бюджеттга **496,5 млрд.сўм** қўшимча маблағлар жалб этилди (тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 трлн.сўмга** (115,9%) ўсди).

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича **2022 йил июнъ** ойи учун **2,9 трлн.сўм** белгиланган прогноз **3,0 трлн.сўмга** ёки 103,9 фоизга бажарилди.

Стратегик режалаштириш бўйича

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислардан иборат тузилган ҳолда, маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги мунтазам равишда янгиланиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 20-майдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Асл белгиси” Миллий ахборот тизимида 6 та дори воситалари ва тиббий буюмларни, 5 та сув ва салқин ичимликларни 5 та майший техника ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатдан ўtkазилиб маҳсулотлар каталоги модулига синов тариқасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар юзасидан тегишли маълумотлар (116 та дори дармон, 33 та сув са салқин ичимлик, 762 та майший техника) жойлаштирилиши таъминланди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича

2022 йилнинг июнъ ойида жами 50 та 17 872,9 млн. сўмлик солиқ низосига оид шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчасини белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган.

Хусусан, бугунги кун ҳолатида келиб тушган шикоятлар солиқ тўловчи вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, 3 та (6%) 9 228,5 млн. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 47 та (94%) 8 644,4 млн.сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ўз кучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.